

Пудрат шартномаси
(Жорий таъмирлаш)

0509 2022 289 -сон

2022 йил "23" 06

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш қўрувчи директор А.Бокиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Шерабод ТЎФУК" номидан Низом асосида иш қўрувчи: С.Кобитов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан ҳамда, 18.06.2022 йилдаги № 99586 сонли лот Протокол қарори **2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан таъмирланиши белгиланган** Сурхондарё вилояти Шерабод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқизиш)га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

I. Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

"ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтларлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

"қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вақтинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган хар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хулосасига келишилган муддатларга асосан Шерабод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқизиш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (18.06.2022 йилдаги № 99586 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **285 600 000 (икки юз саксон беш миллион олти юз минг) сўми** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "**1а**" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- "**1**" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омиборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

-объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваккалчилигини сўғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқлишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "16" иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлайди..

12. Курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажариш графигига асосан)

13. Мазкур шартнома буйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорига, аванс ўтказилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1б-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. **Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми** Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган қафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорига, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вақилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича барча чораларини қўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаш шемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига.

техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чораталбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қурикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилади.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартарф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартарф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартарф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартарф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан қўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоа этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоа қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фоиздан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоиздан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартарф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоиздан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигада 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиз миқдорига жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчинини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойлада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши қурашиш ва бошқа шартлар

65.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

66.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қўшимчалар қонуний қучига эга бўлади. Узгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

67.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

68.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

XVII. Алоҳида шартлар

69. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

70. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

76. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Буюртмачи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” давлат унитар
корхонаси

Термиз шаҳар Олмазор кўчаси 42-уй

Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

Ш/х: 30452186022237045129118010

Пудратчи:

“Шерабод ТЙФУК”

Шерабод тумани Тошкент кўчаси 28 уй

ИНН:200497603 ОКЕД 42110

Асосий х/р 2021 0000 4004 2847 0001

Миллий банк Сурхондарё филиали МФО 00324

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Ҳазна: х/в 23402000300100001010

ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Ҳазначилик бўлим ИНН: 201122919

Директор

А.Боқиев

Директор:

С.Кобиров

Ушбу шартнома мазмунини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.

«26» 06 2022 йил

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқишиш)
 объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқишиш) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Молиялаштириш шартлари	Йиллар	Шу жумладан ойлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Йиллик иш хажмининг ажратилган аванс маблағи	2022 йил						85 680 000,0							85 680 000
Ажратилган аванс маблағининг ойлар буйича тақсимланадиган қисми	2022 йил					0,0	85 680 000,0							85 680 000
Ажратилган аванс маблағини инобатга олиб, бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган маблағ	2022 йил						199 920 000,0							199 920 000
Жами	2022 йил		0	0		0	285 600 000,0	0,0	0,0	0	0	0	0	285 600 000
Жами молиялаштирилмаган маблағ														

Буортмачи



Пудратчи

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқизиш) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқизиш) объектининг _____ сонли шартномасига - илова

БАЖАРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий қиймати
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Қурилиш- монтаж ишлари	2022						285 600 000,0							285 600 000
	Жами		-	-	0,0		0	285 600 000	0	0		-	-	-	285 600 000

1 Буюртмачи



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 99586 на приобретение Шеробод тумани
Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқишиш)**

Способ проведения электронный

Дата 18.06.2022

Время рассмотрения 13.06.2022 08:17

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo`llarga buyurtmachi xizmati DUK (Sherobot) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиғи	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Курулиш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.06.2022 года № лота 99586.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Шеробод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқишиш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	285 630 000.00
Стартовая сумма	285 630 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади). Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Шерабод ТЙФУК	20	1	20	Экспертная		
УП BOYSUN TUMAN YO'LLARDAN FO	20	1	18	Экспертная		
ЧП ISLOM ANGOR SURXON	20	1	18	Экспертная		
" Уткир" КТХФ	20	1	18	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловда иштирок этувчи ташкилот хақида умумий маълумот гувоҳномаси, СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИда автомобил йуллари ва куприкларда рейтинг курсаткичи мавжудлиги.Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар).Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.Ходим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Шерабод ТЙФУК	20	1	20	Экспертная		
УП BOYSUN TUMAN YO'LLARDAN FO	20	1	18	Экспертная		
ЧП ISLOM ANGOR SURXON	20	1	18	Экспертная		
" Уткир" КТХФ	20	1	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: "Иштирокчининг банкдан картатека йуқлиги хақида маълумот, Солик органларида солиқдан қарзи йуқлиги тугрисида тасдиқланган маълумот, Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма мабла

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Шерабод ТЙФУК	20	1	20	Экспертная		
УП BOYSUN TUMAN YO'LLARDAN FO	20	1	18	Экспертная		
ЧП ISLOM ANGOR SURXON	20	1	18	Экспертная		
" Уткир" КТХФ	20	1	18	Экспертная		

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: "Охирги 3 йил давомида Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш. "

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Шерабод ТЙФУК	20	1	20	Экспертная		
УП BOYSUN TUMAN YO`LLARDAN FO	20	1	18	Экспертная		
ЧП ISLOM ANGOR SURXON	20	1	18	Экспертная		
" Уткир" КТХФ	20	1	18	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП BOYSUN TUMAN YO`LLARDAN FO	285 630 000.00	285 630 000.00	09.06.2022 22:32:54	19.82
ЧП ISLOM ANGOR SURXON	285 630 000.00	283 000 000.00	10.06.2022 06:31:44	20.00
Шерабод ТЙФУК	285 630 000.00	285 600 000.00	08.06.2022 21:03:36	19.82
" Уткир" КТХФ	285 630 000.00	285 000 000.00	10.06.2022 14:07:40	19.86

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП BOYSUN TUMAN YO`LLARDAN FO	72	19.81585	91.81585
ЧП ISLOM ANGOR SURXON	72	20	92
Шерабод ТЙФУК	80	19.81793	99.81793
" Уткир" КТХФ	72	19.85965	91.85965

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 99586 от 18.06.2022 года на приобретение Шерабод тумани Бойқишлоқ МФЙ Анорзор кучасини жорий таъмирлаш (Бетон коплама етқишиш) определила победителем:

Шерабод ТЙФУК
200497603

и резервный исполнитель: ЧП ISLOM ANGOR SURXON (306445873)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Сурхондарё вилоят
хокимининг ўринбосари

№: 24

" 27 " 06 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022-йил учун

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

млн.сўм

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиши ва тугалланиши йили	Лойиҳавини қуввати, тегишли улчов бирликлар ида (км)	Пудрат шартнома тузилган вақтдаги қурилишнинг умумий қиймати	Қурилишнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ қиймати	2022 йил жами капитал қўйималар (млн.сўм)	Шу жумладан										2023 йил 1 январь ҳолатига ўтувчи объект бўйича қолдиқ қиймати	Темдер савдолари баённомаси тасдиқланган санаси ва рақами	Экспертиза санаси ва рақами №	Пудратчи қурилуш ташкилотлари	
							Қуриллш монтаж ишларининг умумий қиймати (млн.сўм)		Шундан						Тошқа харажатлар (млн.сўм)	шундан					
							км	млн.сўм	Цементбетон коплама		Асфальтбетон коплама		Шағал коплама			Буюртмачи харажатлари					Лойиҳа ва экспертиза харажатлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	
280	Сурхондарё вилояти бўйича жами:	2022 й	347,1	90758,4 3818,8	90758,4 3818,8	94267,96	85994,8	43,3	28045,4	96,9	34685,1	206,9	23264,3	3919,9	2020,8	1899,1	506,6 0,0				
26	Ангор тумани		20,1	4775,2 230,5	4775,2 230,5	6245,5	4544,8	4,9	2524,6	8,1	1772,2	7,1	248,0	250,6	125,7	124,9	0,0 0,0				
10	Корасув МФЙ		5,2	2032,3 99,3	2032,3 99,3	3422,7	1933,0	1,4	835,0	3,8	1098,0	0,0	0,0	99,3	55,3	44,0	0,0 0,0				
1	Алпомиш кучасини жорий таъмирлаш L-730 м В-4.5 (Бетон коплама ётқизиш)	2022 й	0,7	458,8 23,72	458,8 23,72	458,8	435,0	0,7	435,0					23,72	13,05	10,67	0,0 0,0	02.06.2022 й лот№91711	14.04.2022 й	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
2	Ойбек кучасини жорий таъмирлаш L-1,345 м В-4.5 (Асфальт коплама)	2022 й	1,3	378,4 17,7	378,4 17,7	378,4	360,7			1,3	360,7			17,7	10,0	7,7	0,0 0,0	23.05.2022 й лот№78414	14.04.2022 й	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
3	Миришкор кучасини жорий таъмирлаш L-675 м В-4.5 (Бетон коплама ётқизиш)	2022 й	0,7	421,9 21,9	421,9 21,9	421,9	400,0	0,7	400,0					21,9	12,0	9,9	0,0 0,0	02.06.2022 й лот№78417	14.04.2022 й	Сурхондарё ҚФУК	
4	А.Темур кучасини жорий таъмирлаш L-245 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,2	75,5 3,0	75,5 3,0	75,5	72,5			0,2	72,5			3,0	1,4	1,6	0,0 0,0	02.06.2022 й лот№91712	14.04.2022 й	Ангор ТЙФУК	
5	Фаровон кучасини жорий таъмирлаш L-295 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	92,0 4,3	92,0 4,3	92,0	87,7			0,3	87,7			4,3	2,4	1,9	0,0 0,0	10.06.2022 й лот№97893	14.04.2022 й	Ангор ТЙФУК	
6	Мустақиллик кучасини жорий таъмирлаш L-265 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	82,9 4,0	82,9 4,0	82,9	79,0			0,3	79,0			4,0	2,3	1,7	0,0 0,0	02.06.2022 й лот№91710	14.04.2022 й	Ангор ТЙФУК	
7	Обод кучасини жорий таъмирлаш L-275 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	83,0 4,0	83,0 4,0	83,0	79,0			0,3	79,0			4,0	2,3	1,7	0,0 0,0	02.06.2022 й лот№91709	14.04.2022 й	Сурхондарё ҚФУК	
8	Фуркат кучасини жорий таъмирлаш L-270 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	99,8 4,5	99,8 4,5	99,8	95,2			0,3	95,2			4,5	2,5	2,0	0,0 0,0	10.06.2022 й лот№78428	14.04.2022 й	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
9	Зартепа кучасини жорий таъмирлаш L-610 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,6	190,1 9,2	190,1 9,2	190,1	180,9			0,6	180,9			9,2	5,3	3,9	0,0 0,0	23.05.2022 й лот№78496	14.04.2022 й	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
10	Маданият кучасини жорий таъмирлаш L-480 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,5	150,0 7,0	150,0 7,0	150,0	143,0			0,5	143,0			7,0	4,0	3,0	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№91708	14.04.2022 й	Сурхондарё ҚФУК	
	Тақсимланмаган маблағ					1 390,4															
16	Гулзор МФЙ		14,9	2743,0 131,2	2743,0 131,2	2822,8	2611,8	3,5	1689,5	4,4	674,2	7,1	248,0	151,3	70,4	80,9	0,0 0,0				
1	Корасув кучасини жорий таъмирлаш L-205 м В-4.5 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,2	63,3 2,3	63,3 2,3	63,3	61,0			0,2	61,0			2,3	1,0	1,3	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№94974	14.04.2022 й	Сурхондарё ҚФУК	
2	Танги кучасини жорий таъмирлаш L-625 м В-4.0 (Асфальт коплама)	2022 й	0,6	209,3 9,3	209,3 9,3	209,3	200,0			0,6	200,0			9,3	5,0	4,3	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№94980	14.04.2022 й	Сурхондарё ҚФУК	
3	Зиёли кучасини жорий таъмирлаш L-456 м В-4.0 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,5	152,9 7,2	152,9 7,2	152,9	145,7			0,5	145,7			7,2	4,0	3,2	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№94985	14.04.2022 й	ООО SURHON SERVIS BARAKA	
4	Истиклол кучасини жорий таъмирлаш L-300 м В-4.0 (Бетон коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	161,2 8,0	161,2 8,0	161,2	153,2	0,3	153,2					8,0	4,1	3,9	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№94994	14.04.2022 й	ООО SURHON SERVIS BARAKA	
5	Гулистон кучасини жорий таъмирлаш L-555 м В-4.0 (Асфальт коплама ётқизиш)	2022 й	0,6	165,3 7,7	165,3 7,7	165,3	157,7			0,6	157,7			7,7	4,2	3,5	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95000	14.04.2022 й	ООО SURHON SERVIS BARAKA	
6	Камолот кучасини жорий таъмирлаш L-650 м В-4.0 (Бетон коплама ётқизиш)	2022 й	0,7	420,4 19,6	420,4 19,6	420,4	400,8	0,7	400,8					19,6	10,0	9,6	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95006	14.04.2022 й	MCHJ SURHON- YO'L-RAVNAQI	
